



Оқида аёл — мустақкам оила яратувчиси

Танлов

Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан партиёга аъзо аёллар ўртасида ўтказилаётган "Оқида аёл — мустақкам оила яратувчиси" кўрик-танловининг тўртинчи ва шаҳар босқичлари қизғин паллага кирди.

"Мустақкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур кўрик-танловнинг тўртинчи ва шаҳар босқичлари қизғин паллага кирди.

Партия ташкилотларида фаол ишлайдиган, бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган аёлларни рағбатлантириш, ўз навбатида, бундай

аёлларнинг тажрибасини кенг тарқатиш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танловнинг ушбу босқичи фаол, ташаббускор, ҳар томонлама ибратга лойиқ номзодларни саралаш имконини берди. Унда иштирок этган номзодлар белгиланган шартлар бўйича иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, ҳакамлар ҳайъ

ати томонидан муносиб баҳоладилар.

Танловнинг тўртинчи босқичида ғолибликни қўлга киритганлар шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясига 20 йил

Эркинлик ва фаровонлик кафолати

Конституция нафақат давлат тўзими, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради.

Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади.

Асосий конституциявий қоидалар, принциплар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизда эса ҳуқуқнинг барча — молиявий, фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари мужассам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

Маълумки, асосий қонун, яъни конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга ғоя ва қоидалар мустақкамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ тизимида у устувор аҳамият касб этади.

Конституциянинг устуворлиги яна шунда намоён бўладики, унга нафақат шу давлат фуқаролари, балки давлатнинг ўзи ҳам риоя қилиши керак. Ҳуқуқ ва давлат ўзаро боғлиқ бўлгандагина жамиятда конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланади.

Давоми 3-бетда ➤

Камчиликларни бартараф этиш

партиявий фаолиятнинг самарасини оширади

Ижроия Қўмита
Йиғилиши

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партианнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Сиёсий Кенгаш аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Йиғилиш кун тартибидаги "Ўзбекистон "Адолат" СДП худудий Кенгашлари Ижроия Қўмиталарининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга оид фаолият тўғрисида"ги масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзоси Тошпўлат Матибаев маъруза қилди.

Қайд этилганидек, 2012 йил 1 октябрь санасига Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партиянинг жами 452 нафар депутати фаолият юритмоқда. Шулардан 72 нафари Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида, 309 нафари туман ва 71 нафари шаҳар кенгашларида сайланган бўлиб, улар 85 та депутатлик гуруҳларига бирлашган.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП худудий Кенгашлари Ижроия Қўмиталарининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга оид фаолият таҳлиллари шуни кўрсат-

моқдаки, — деди Т.Матибаев, — айрим худудий партия Кенгашлари Ижроия Қўмиталари ўз мажлисларида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликни кучайтиришга оид масалаларни кўриб чиқмаган, шунингдек, депутатлик гуруҳларининг иш режасини тасдиқлаш бўйича турлича тартиблар қўлламоқда. Бир қатор худудларда мазкур иш режа депутатлик гуруҳи томонидан, айрим ҳолларда вилоят Кенгаши Пленуми ёки вилоят партия Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланмоқда. Бироқ барча худудий партия ташкилотлари маҳаллий партия депутатлик гуруҳи аъзолари фаолиятини ошириш бўйича турли мавзуларда семинарларни ташкил этиб келмоқдалар.

Шунингдек, депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига партия позицияси ва электорат манфаатларини

Давоми 2-бетда ➤

Муносабат

Қишлоқ хўжалиги:

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш эҳтиёжи

Мамлакатимизда эришилаётган ютуқларни таҳлил этарканмиз, бу жараёнда фермерлик ҳаракати алоҳида мавқега эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Айниқса, бу соҳанинг ҳар томонлама тараққий этиши учун барча ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги ўзининг самарасини бераёпти.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигида меҳнаткашларнинг ўз меҳнатларидан манфаатдорлиги, ерга, мулкка, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларга эгаллик ҳисси тобора кучайиб бормоқда. Бугун қишлоқларда "миллионер фермер" тушунчаси оддий турмуш тарзига, воқеликка айланган. Бу эса халқимизнинг онг-тафаккури, дунёқарашида, хусусий мулкка нисбатан муносабатида юз бераётган эзгу ўзгаришларнинг амалда намоён бўлишидир. Зеро, ўтган йилдан бери ортиқроқ давр ичида қишлоқ хўжалиги соҳасида тўлақонли бозор муносабатлари жорий этилди, хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, фермерликни янада ривожлантириш, фермер

хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Тез сўзлар билан ривожланиб бораётган давримиз эса қишлоқ хўжалиги соҳасидаги модернизация жараёнларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Кўни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон фермерлик ҳаракатига нисбатан бўлган



Ҳаракатда — баракат

Кўни кеча Юртбошимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўлланган қўловини ҳажон билан эшитдим. Биз пахтакорлар ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мамлакатимизда 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили йиғиб олинди. Президентимиз бизнинг меҳнатимизга жуда юксак баҳо берди.

Юртимиз раҳбарининг "Сиз, азиз пахтакорларимизнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятини шараф билан адо этганингиз билан

ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан", деган сўзлари қалбимизга гурур ва сурур бағишлади.

Ҳа, юртимизда меҳнат қилган ўз қадрини топади. Серқуёш Ўзбекистонимизнинг замини шу

қадар сахий ва саховатлики, у меҳнат қилган кишини қуруқ қўймайди. Ўз неъматлари билан сийлайди. Бунининг фермер сифатидаги фаолиятим давомиде тақдор ва тақдор синондан ўтказганман.

Бизнинг Кўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинимиз худудидаги экин ерлари Варахшо чўл массиви бағрида жойлашган. Бу ерларда меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан режалаштирилган ҳосилни олишнинг ўзига хос қийинчиликлари ва машаққатлари бор. Худудимиздаги аксарият фермер хўжаликлари раҳбарлари ва миришкор деҳқонлар ер билан тиллашиб, экин билан сирлашиб меҳнат қилишаётгани боис, қўзланган ҳосил хирмонларини яратишга муваффақ бўлишмоқда. Табиийки, уларнинг моддий-техника базаси, иқтисодий салоҳияти ҳам ошиб бораёпти.

Шу ўринда, бир нарсани таъкидлашни истардим. Юртимиздаги минг-минглаб қишлоқ мулкдорларининг бир вакили сифатида биз фермерлар учун мамлакатимизда яратиб берилган шарт-шароит учун мухтарам Президентимиздан беҳад миннатдор бўлишимиз керак. Юртбошимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги соҳасининг, хусусан, фермерларнинг барча муаммоларини узил-кесил ҳал қилиш борасида яхлит бир тизим яратилганки, унинг самарасидан ҳар бир фермер бирдек манфаатдор бўлаяпти.

Давоми 5-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна бошланди!

Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!
Нашр кўрсаткичи 100.



Муқобили йўқ қонун

Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқи кафолатларининг муҳим масалаларини ўз ичига қамраб олган билан аҳамиятлидир. Ўз ичига 4 боб ва 29 моддани қамраб олган мазкур Қонун ҳеч бир хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасида учрамаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

3-бет

Жараён

Камчиликларни
бартараф этиш

партиявий фаолиятнинг самарасини оширади

Давомий. Боши 1-бетда

хисобга олган ҳолда масалалар олиб чиқиш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳудудий партия ташкилотлари раислари ҳамда депутатларда фаоллик этишмаяпти.

Масала муҳокамаи давомийда Ижроия Кўмита аъзолари томонидан ҳудудий партия ташкилотларининг партиядан сайланган депутатлари билан ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги танқид остига олинди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзоларининг тегишли маҳаллий Кенгаш сессияларида ва ўзи аъзо бўлган доимий комиссияларда Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларини ифодалаш ва амалга ошириш бўйича ўз таклифлари билан фаол иштирок этишини таъминлаш, уларнинг тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларида, сайлов округларида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ташаббускорлигини янада ошириш, депутатлик сўровларининг натижаларини охиригача етказишга эришишлари юзасидан Ижроия Кўмита қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари С.Рауповнинг "Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларида партия аъзолари сонининг ўсиши ва уларни ҳисобга олишнинг ҳолати тўғрисида"ги масала юзасидан ахбороти тингланди.

— Ҳар бир сийёсий партия ўз олдига аниқ бир мақсад ва вазифани қўйган ҳолда фаолият олиб боради, — деди маърузачи. — Партияга аъзо бўлмоқчи бўлган фуқаро аввало, партиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиб чиқадиган ҳамда партиянинг масалалари унинг мақсадларига қанча-



лик мувофиқ эканлигига эътибор қаратади. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам ўз олдига аниқ мақсад қўйган ҳолда, танлаган йўлининг қанчалик тўғри эканлигини электроратга етказиб, ўз тарафдорлари сонини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда.

Агар 2012 йил бошида партия аъзолари сони 83579 нафарни ташкил этган бўлса, 1 октябрга келиб уларнинг сони 91002 нафарга етди. Бу партия аъзолари сони ҳар ойда ўрта ҳисобда 824 нафардан ошаётганини кўрсатади. Жумладан, ўтган 9 ойда партия аъзолари сони Фарғона вилоятида 1537 нафарга, Хоразм вилоятида 1202 нафарга, Наманган вилоятида 1461 нафарга ва Сирдарё вилоятида 706 нафарга кўпайган. Бироқ барча ҳудудий партия ташкилотларида ҳам партия аъзолари сонининг ўсиши бир хил эмас. Бу борада, айниқса, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятидаги кўрсаткичлар қониқарсиз.

Шу билан бирга, партия аъзоларини партия билетлари билан таъминланиши ҳам талаб даражасида эмас.

Марказий аппарат томонидан партия аъзоларини ҳисобга олишнинг тақомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон "Адолат" СДП

аъзоларини ҳисобга олиш бўйича йўриқнома нашр этилди. Ушбу йўриқнома ҳудудий партия ташкилотларига етказилмоқда.

Муҳокама партия аъзолари сонини ошириш бўйича Фарғона, Хоразм ва Сирдарё вилоятлари партия ташкилотларининг тажрибасини бошқа ҳудудий партия ташкилотларига тарғиб этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Ижроия Кўмита йиғилишида "Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти"нинг "Фаол аёллар — партиянинг таянчи ва мададкори" мавзусидаги семинари ҳамда "Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги масала муҳокама қилиниб, ушбу семинар ҳамда кўрик-танловни кўнгилдагидек ўтказиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши VII Пленумини чақириш тўғрисида"ги масала кўриб чиқилиб, Ижроия Кўмита аъзолари томонидан маъқулланди.



Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илос САХАТОВ,

"Адолат" мухбири

Ҳамкорлик ришталари

Япониядаги «JICA» халқаро ҳамкорлик ташкилоти Самарқанднинг «Конирил Мерос» хўнарамдчилик корхонасини ривожлантиришга яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Осиёда ва умуман жаҳонда маданий, ижтимоий алоқаларни янги йўналишда давом эттириш бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга оширишда бевосита ташаббускор бўлаётган мазкур нуфузли ташкилот вакиллари «Конирил» қишлоғига ilk ташрифлари чоғида бу ерда қадимий Самарқанд қозғозларини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйган маҳаллий усталар иши билан танишган эдилар.

«Конирил Мерос»:
ўтмиш ва келажак ўртасидаги
олтин кўприк

Саноати гуркираб ривожланётган бир маҳалда оддий тўт дарахти пўстлоқларидан ишлаб чиқарилаётган, қўл меҳнати ва кўпроқ вақтни талаб қиладиган Самарқанд қозғозлари нимаси билан аҳамиятли?

— Мен рангтасвир ва миниатюрага оид ишларимнинг салмоқли қисмини Самарқанд қозғозидан бажарганман, — дейди Бадий Академиянинг яна бир аъзоси, самарқандлик ис-теъодли расом Аҳмад Умаров. — Чунки, биринчидан, ўтмишнинг тўлақонли, самимий манзарасини яратишда қадимий ашё мос келади. Иккинчидан, бу қозғозларда битилган ҳар битта асарнинг умри ниҳоятда узок, юз йил муқаддам Самарқандда моҳирона ишлаб чиқарилган ва Ипак йўли бўйлаб дунёга тарқатилган қадимий қозғозларни яна жаҳонга машҳур эта олдик.

Ижодкор мутахассиснинг Самарқанд қозғозига берган

қисқача таърифи шундай. Башарти, «Конирил Мерос»га бутун дунёдан ташриф буюраётган сайёҳлар, фан ва маданият арбобларининг эсдалик дафтарларида ёзиб қолдираётган самимий эътирофларидан бохабар бўлсангиз бу таърифнинг маъносини янада кенгрок, чуқуррок тушуниб оласиз. Мухтасар айтганда, «Конирил Мерос» ўтмиш ва келажак ўртасидаги ўзига хос кўприк сифатида миллий қадриятларимизни дунёга тарғиб этмоқда.

Бугун «Конирил Меросда» етти нафар уста қозғоз ишлаб чиқариш билан машғул. Қадимий хомашёдан шу ернинг ўзига турли совғабоп буюмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Чунки мато ўрнида қозғоздан фойдаланиб, турли рангдаги ипак билан тикилган миллий либослар ҳар қандай кўргаз-

Шу боис Самарқанднинг чекка қишлоғида жойлашган «Конирил Мерос» халқаро сайёҳлик харитасидан жой олгани, атрофлари ободонлаштирилиб, кўркем манзилгоҳга айлантирилгани маҳаллий усталарнинг ўз ишларига бўлган ишонч-эътиборларини янада оширмоқда. Бугун улар ўзларининг янги-янги ишлари билан янада нуфузли кўргазмаларда қатнашмоқдалар. Маданий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор бўлган янги кишилар билан ҳамкорлик учун қўл ташламоқдалар. Демак, эзгулик излаган «Конирил Мерос»нинг истикболи ҳам порлоқ.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Суратларда: «Конирил Мерос» усталари фаолиятдан лавҳалар.



Pharmed sanoat

хусусий корхонаси
жамоаси

Барча юртдошларимизни муборак
Қурбон ҳайити айёми
билан самимий муборакбод этади.

Юртимизни обод,
элимизни фаровон этаётган
бунёдкор халқимизнинг эзгу
ишларига ҳамиша
муваффақиятлар тилайди.

Барча оилаларга қут-барака,
фаровонлик ёр бўлсин!



Муқобили йўқ қонун

Концепция: устувор вазибалар

Иқтисодиётнинг мафқурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган тараққиётнинг “ўзбек модели” сифатида тан олинган беш тамойилга асосланган ислохотлар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Бир сўз билан айтганда, “Ислохотлар — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” тамойили бугунги кунга келиб ўзини тўлиқ оқлаганининг гувоҳимиз.

Шу ўринда ушбу соҳадаги ислохотларнинг даслабки босқичида авваламбор, ушбу институтнинг қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”-ги ва “Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди. Уларда мулкчиликнинг хусусий шаклини жорий этиш ва унинг эркинлигини таъминлашга қаратилган қоидалар, қолаверса, давлат мулки объектларининг тўлиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши каби қоидалар белгиланди.

Иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичида иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш шарафига хусусий мулкнинг ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, шу билан бирга, соҳада амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортага қайтмаслигини кафолатлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу даврда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилган асосий кафолатларни янада мустаҳкамлаш борасида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, янги таҳ-

рирда Солиқ кодекси каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини эътироф этиш жоиз. Бу даврда иқтисодиётда хусусий мулк улушининг ошиши, мулк эгаларининг фаолият эркинлигини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилди. Бунинг билан 2011 йилда мамлакатимизда аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятдан олинганлигида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлари иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролинини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхона-

лар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратилишига қаратилган эди.

Шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислохотларнинг мантқиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини, хусусан, мулкчиликнинг хусусий шаклини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда эди.

Шу маънода “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси)

хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарурлигига эътибор қаратилгани бежиз эмас.

2012 йил 25 сентябрда қўлга киритган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқи кафолатларининг муҳим масалаларини ўз ичига камраб олгани билан аҳамиятлидир. Ўз ичига 4 боб ва 29 моддани камраб олган

мазкур қонун ҳеч бир хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасида учрамаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Биобарин, ушбу қонун давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги (Қонуннинг 24-моддаси) хусусий мулк тўғрисида қонунчилик тажрибасида янгилик ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисми орқали хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Бу ўз навбатида, Қонуннинг мулкдор

ҳуқуқларининг устуворлиги ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципларида мос келишини кўрсатади. Ушбу нормаларни бузган шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлишининг белгиланганлиги эса хусусий мулкнинг дахлсизлигини кафолатлашда муҳим роль ўйнайди.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг яна ўзига хос хусусиятларидан бири — бу хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган усулларида ташқари янги

усулларининг белгиланганлигидир. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни қабул қилган орган томонидан қопланиши ёхуд суднинг қарори билан ушбу органнинг мансабдор шахсига юклатилиши мумкин.


Таъкидлаш керакки, қонунни тайёрлашда парламентдаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари ҳам фол иштирок этдилар. Чунки ушбу қонун партиянинг давлат томонидан аҳоли даромадларини изчиллик билан қўлайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаши борасидаги дастурий мақсадларига мос келади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, хусусан, мулкдорларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини таъминлаш, мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётни янада диверсификация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида хусусий мулкнинг улуши ва ролини кўтариш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун инвестицияларни жалб этиш, юқори сифатли, рақобатдош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни қўлайтириш, аҳолининг иш билан таъминланганлиги ва даромадининг оширилишига хизмат қилади.

Сахипжамал ДЖОЛДАСОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ҳолими, юридик фанлари номзоди

Дастур ижроси йўлида

Вазирлар Маҳкамасида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга оширилиши ва аҳолининг, айниқса, олинган мутахассисликларига мувофиқ касб-ҳунар коллежаларини битирган ёшларнинг бандлигини янада ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижалари кўриб чиқилди.




“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ёш оилаларни ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни қўлайтиришга, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантиришга, оиланинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар

амалга оширилганлиги, бунинг учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги, ёш оилаларни ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни қўлайтиришга, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантиришга, оиланинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар

Биогаз ишлаб чиқаришни оширсан бўлади

Ўзбекистон йилига 9 миллиард кубометргача биогаз ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Бу ҳақда 17 октябрь куни пойтахтимизда ўтказилган “Ўзбекистонда биогаз бозорини ривожлантириш бўйича йўл харитаси” мавзусидаги давра суҳбатиди маълум қилинди.



Ушбу технологиянинг жорий этилиши йилига 7-11 миллион тонна карбонат ангидрид газини қисқартириш ва ҳар йили 14 миллион тоннадан зиёд биогаз ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Ўз навбатида ушбу ҳажм Ўзбекистондаги ҳайдаладиган ерлар учун ўғитларга бўлган меъёрий талабни бемалол қўлай олади.


— Шу пайтга қадар Ўзбекистонда биогаз қурилмаларини барпо этиш янги лойиҳалар доирасида амалга оширилаётгани”, — дейди БМТДнинг “Миллий иқтисодиётни паст углеродли ривожлантириш йўлига ўтишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси менежери Лилия Завьялова. Унинг қайд этишича, кейинги босқичда биогаз қурилмалари оммавий жорий этила-

ди. Бунда ишлаб чиқарувчиларни ҳам, истеъмолчиларни ҳам қўллаб-қувватлаш зарур. Ушбу қурилмалар 20 МВт гача электр энергиясини ишлаб чиқаришга қодир.

Давра суҳбати чоғида 2017 йилгача республикаимизнинг еттига худудидида аграр секторда 50 та биогаз қурилмасини барпо этиш режалаштирилаётгани маълум қилинди. Айтиш жоизки, аграр сектордаги қишлоқ хўжалик чиқиндилари йиллик ҳажми 10 миллион тоннадан зиёдни ташкил этади. Бу сезиларли энергетик захира демакдир. Улар қайта ишланганида биогаз, электр энергияси ва иссиқлик энергиясини, чорвачилик ва паррандачилик соҳалари учун оқсилга бой ем-ҳашакларни олиш мумкин.

Қуёш батареясини ўрнатиш қанчага тушади?

Бугун ҳар бир хонадон ўз уйининг томига қуёш батареясини ўрнатиши мумкин. Қуввати 1.5 ва 2 кВт бўлган панель уйнинг узлуксиз ёритилиши, телевизор ва компьютер ишлашини таъминлай олади. Бундай батареянинг қиймати тахминан 6,5 миллион сўм туради.



Агар музлатич ва кондиционер ишлашнинг таъминлаш керак бўлса, унда қуввати 3 кВт бўлган панелни харид қилишга тўғри келади, Шунга мос равишда қимматроқ турадиган қурилманинг кафолати 15 йил.

Маълумотларга кўра, қуёш батареяларида қизиқарли қурилиш бўлиб қуёш энергетика билан шуғулланувчи компаниялар мамлакатимизда 10 тага етиб қолди.

Эркинлик ва фаровонлик кафолати

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Шу ўринда яна бир савол туғилади: хўш, қандай функциялар конституцияга хос, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ривожлантиришга у қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволнинг жавоби ўқувчига давлат ва ҳар бир фуқаро ҳаётида конституциянинг аҳамияти ва ўрни нимадан иборат эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Энг аввало, конституциянинг таъсири қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, ижтимоий муносабатларни мунтазам тартибга солувчи, ҳамжихатли ва тартиб-интизомни ижтимоий ҳаётга жорий этиш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи восита бўлиб қолаверди.

Конституция асосий ҳолатларни мустаҳкамлайдиган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муайян тарзда шахс онг-тафаккури, дунёқарашининг шаклланишига мафқуравий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияси сингари барчаннинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган. Чунончи, Консти-

туциямизнинг 14-моддасида “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини қўллаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади,” деб қайд этилган. Ушбу ғояларни жамоатчилик онгига синдириш ҳар бир фуқароннинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясидан “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қомусимизнинг “Асосий принциплар” бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини қайд этувчи асосий ғоялар мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазибалари баён этилган.

Эски тузум даврида давлатнинг манфаатлари шахс манфаатларидан устун эканлиги қатъий белгилаб қўйилган бўлса, ушбу масала мустакил Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган. Яъни, шахс манфаатлари устунлиги, уни

“олий қадрият” деб эътироф этиш нуктаи назаридан ҳал этилган (13-модда). Шунингдек, Конституциямизда “фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги” принципининг мустаҳкамлангани бундай нуктаи назар изчиллигини таъминлайди (19-модда).

Ўзбекистонни конституциявий ривожлантириш тарихида илк марта давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини аниқлатади. Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган демократик қоидалар орасида сиёсий плюрализм, яъни сиёсий институтлар, фикрлар хилма-хиллиги эътироф этилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳокимиятларни тақсимлаш ғоясининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштиришга йўл қўймаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан давлат ҳокимиятини халқ манфаатини қўллаб амалга ошириши — буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъсир қилиши мумкин.

таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, Конституциямизда “фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги” принципининг мустаҳкамлангани бундай нуктаи назар изчиллигини таъминлайди (19-модда).

Ўзбекистонни конституциявий ривожлантириш тарихида илк марта давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини аниқлатади. Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган демократик қоидалар орасида сиёсий плюрализм, яъни сиёсий институтлар, фикрлар хилма-хиллиги эътироф этилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳокимиятларни тақсимлаш ғоясининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштиришга йўл қўймаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан давлат ҳокимиятини халқ манфаатини қўллаб амалга ошириши — буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъсир қилиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилин-

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияси сингари барчаннинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган.

ганидан буён ўтган 20 йил мобайнида унинг қоидалари ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Конституция ҳамдун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, унинг асосида қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини таъминлашга кўмаклашиш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари ва фаоллари зиммасига ҳам чуқур масъулият юклайди. Зеро, партиямиз дастурида ҳам адолатлилик ғояси, барчаннинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш “Адолат” партиясидан сайланадиган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишига айланиши даркорлиги таъкидланган.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилин-

Зумрад АҚРАМХУҲАЕВА, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Партия ҳаёти

Электоратимиз манфаатлари —

дастурий вазифаларимиз мезони

Депутатлик гуруҳларида

Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий камчиликларни бартараф этиш, электротат манфаатларидан келиб чиқиб маҳаллий кенгашлар сессияларига долзарб масалалар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар киритиш сиёсий партиялардан сайланган депутатлик гуруҳларининг бирламчи вазифаларидан саналади. Депутатлик гуруҳлари зиммасидаги ана шундай масъулиятли вазифалар ижроси ҳамда фаолият самарадорлиги эса кўп жиҳатдан депутатларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигига боғлиқдир.



Халқ депутатлари Когон туман кенгаши депутати Зубайдулло Зарипов депутат этиб сайланганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, унинг ўз сайловчилари ишончини қозониш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва турмуш шароитларини яхшилаш, партиямиз дастурий ҳолатларини ҳаётда ўз аксини топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари қисқа фурсатда сайловчилар эътиборига тушди.

2012 йилнинг апрель ойида бўшаб қолган депутатлик ўринларига ўтказилган сайловда тумандаги Улуғбек номли 1-сайлов округидан ғолиб чиққан З.Зарипов депутат сифатида, ишни аввало, шу ҳудуднинг муаммоларини ўрганишдан бошлади, шу мақсадда жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Депутат ташаббуси билан «Талижа», «Қўржан» қишлоқларидаги йўл қурилиши ва ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар халқ депутатлари Когон туман Кенгаши сессиясига алоҳида масала сифатида киритилди. Таклиф Бухоро вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш Дастурига киритилди. Айни пайтда мазкур қишлоқлардаги 2,1 км йўллар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди, бир неча йилдан бери ишлайи ётган сув иншооти таъмирланди.

— Албатта, депутатлик гуруҳимиз олдида фаолиятни ку-

чайтиришга қаратилган талай вазифалар мавжуд, — дейди депутат З.Зарипов. — Сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ошиб бораётган бир даврда электротат ишончини қозониш учун бирламчи масалалар нималардан иборат, депутатлик гуруҳи ишини жонлантиришда қандай омилларга таяниш керак, заиф нукталарни аниқлаш учун нималарга эътибор қаратиш керак, деган саволларга жавоб топишимиз лозим.

Жорий йилнинг ўтган давридаги фаолиятимизни мониторинг қилар эканмиз, эндиликда бажаришимиз лозим бўлган ишларни таҳлил қилиб, депутатлик гуруҳимиз иш режасига киритилган дастурий вазифаларимизни белгилаб олаёلمиз. Жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан депутатлик гуруҳининг ишини янада жонлантириш, бажарилган ишларни, кўтарилган муаммолар масалаларини мониторинг қилиб бориш, сайловчилар билан доимий учрашувлар ўтказиш, мавжуд муаммолар бўйича депутатлик сўровлари юритиш каби вазифалар, шулар жумласидандир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати



Сайлов қонунчилиги

Концепция талаблари асосида такомиллаштирилмоқда

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган сиёсий ўқиш ташкил этди.

Тадбирда Парламент куйи палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, туман партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари қатнашдилар. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойша Ахунова «Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг моҳияти» мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи мамлакатимизда кўппартиявий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши сайлов тизимининг янада демократлашувига ижобий таъсир кўрсатуви омил экани хусусида сўз юритар экан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Концепцияда мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизими мунтазам такомиллашиб бораётгани хусусида сўз юритиб, сайловларда

тўпланган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўяётганини алоҳида таъкидлаган эди. Мана шу устувор вазифани амалга оширишда сиёсий партиялар, хусусан, «Адолат» социал-демократик партияси олдида ҳам долзарб вазифалар турибди.

Маърузачининг қай эйтишича, Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлари партия позициясидан келиб чиққан ҳолда очиклик ва ошқораликни таъминлашга қаратилган тамойилларни илгари суриб, сайловга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ўз тавсияларини бермоқдалар ҳамда турли даражада ўтаётган муҳокамада уларни ҳимоя қилмоқдалар.

— Такомиллаштирилаётган янги қонун лойиҳасида сайлов олди ташвиқоти жараёнининг моҳияти очиб берилган, — деди О.Ахунова. — Хусусан, сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайлов олди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, ташвиқот олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланган. Қонун лойиҳасида қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

БПТ — партия таянчи

Сиёсий партияларнинг нуфузини оширишда, унинг ҳолатларини тарғиб қилишда ва аҳоли билан партия ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда бошланғич партия ташкилотлари асосий таянч бўлиб ҳисобланади. Шу боис «Адолат» СДП ҳудудий кенгашларида БПТлар фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг иш тажрибасини мунтазам мониторинг қилиб боришга асосий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Кўзланган натижа

қуйи бўғинларнинг самарали фаолиятига боғлиқ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши таркибида 125 тадан зиёд БПТлар мавжуд бўлиб, уларда 4800 нафардан ортиқ партия аъзолари бирлашган. Мазкур БПТлар фаолияти вилоят Кенгаши томонидан мунтазам мониторинг қилиб борилади.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилоят филиалида ташкил этилган «Партия фаолиятини тарғиб қилишда бошланғич партия ташкилотларининг роли ва аҳамияти» мавзусига бағишланган тадбирда вилоятдаги БПТлар фаолияти таҳлил қилинди.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолияти юзасидан олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, партиянинг Тўрақўрғон, Поп, Косонсой ва Ўйчи туманларидаги куйи ташкилотлар талаб даражасида фаолият юритмаётганликлари аниқланиб, мазкур камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

— Бошланғич партия ташкилотлари партия фаолиятини тарғиб қилишда муҳим таянч вазифасини бажаради, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши раиси Х.Ахмедходжаев. — Ҳар бир бошланғич партия ташкилотли аъзоси ўз зиммаларига юклатилган вазифаларини масъулият билан тўлақонли ҳис этиб ишлашлари лозим. Аммо айрим ҳудудларда

БПТлар томонидан маҳалларда ташкил этилаётган тадбирлар шунчаки ҳисобот учун ўтказилаётгандек таассурот қолдирмоқда.

Ўз навбатида, тадбирда намунали фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилотли раҳбарлари ўзларининг иш режалари ва жойларда амалга ошираётган ишлари ҳақида чиқишлар қилишди. Жумладан, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-шаҳар шифохонасида ташкил этилган БПТ ҳам ўзида фидойи партия аъзоларини бирлаштириб, партия билан узвий алоқа боғлаган. Улар томонидан шифокорлар ва ҳамширалар учун мунтазам равишда сиёсий ўқишлар ташкил этиб келинмоқда.

Яқинда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган вилоят филиалида партиянинг бошланғич ташкилотли ташкил этилди. Унга филиал раҳбари Ирода Мусаева раислик қилмоқда. Тадбирда ана шундай куйи бўғинларни янада кўпайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнггида партиянинг янги аъзоларига аъзолик билетлари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Асосий Қонунимиз ёшлар нигоҳида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 20 йил тўлмоқда. Жойларда шу муносабат билан Бош қонунимиз тарғиботи, унинг ўзига хос жиҳатлари ва миллий менталитетимиздан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлигига қаратилган турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон тумани Кенгаши «Ёшлар» қаноти ташаббуси билан ташкил этилган «Бахтимиз пойдевори ва ёшлар» мавзусидаги давра суҳбатда тумандаги мактабларнинг энг фаол ўқувчилари ва «Камолот» ЕИХнинг жойлардаги етакчилари иштирок этишди. Давра суҳбатиде Республикаимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳуқуқий билимларини оширишга бўлган эътибор ҳақида сўз юритилди. Бу борада партия фаоллари, «Ёшлар қаноти» аъзолари томонидан тарғибот ишлари ўз самарасини бераётганига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳар йили Конституция кунини олдидан турли тадбирлар ташкил этилиши ёшларимизда Бош қонунимизга бўлган

ҳурматни оширмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП туман кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси Ойбек Сиддиқов. — Ёшларимиз қанчалик ўз ҳуқуқ ва бурчларини тушуниб етса, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти янада ортади.

Давра суҳбатиде Конституцияимизнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг ҳар бир моддаси алоҳида аҳамиятга эгалиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тўғрисида маърузалар тингланди. Шунингдек, келгусида асосий қонунимизни ёшлар томонидан янада кенгрок ўрганишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Мақсад — ҳисобот учун қоғоз тўлдириш эмас,

балки амалий ишлар орқали жамоатчиликни социал-демократия ҳолатига жалб этиш

Ҳар қандай сиёсий куч ўзининг халқчил ҳолатлари ва амалий ишлари билан сайловчи кўнглига йўл тополмаса, бундай партия сиёсат майдонидан тушиб қолишни жаҳон сиёсий партиялари тажрибаси исботлаган.

Сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотларидаги депутатлари, куйи ташкилотлар аъзолари ва фаолларини ана шу партияларнинг юзи, қиёфаси дейиш мумкин. Сайловчилар ҳам кўпроқ ўзи ишонган, ўз ишонганларини амалий фаолияти, таклифлари билан оқлаган, илғор ҳолати-дастурий мақсадларга эга партиялар учун овоз беради.

Партия ишига муносабат яхши йўлга қўйилган, ташкил этилаётган тадбирлар орқали партия ҳолатларига одамларни ишонтира олган вилоят ташкилотлари бу борада ижобий кўрсаткичга эриша олди.

Партиянинг Жиззах вилояти Кенгаши фаолиятига назар ташлайдиган бўлса, бугун вилоятда партиянинг 3213 нафар аъзоси 60 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Айни

вақтда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 4 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 8 нафар депутатига эга.

Вилоят Кенгаши жойларда партия ғоя ва мақсадларини тарғиб этиш мақсадида қатор учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказишга, тадбирларнинг таъсирчанлиги, иштирокчиларнинг кенг қамровли аудиториясини жалб этишга уринмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят Кенгаши томонидан ҳудуддаги қорхона ва ташкилотлар ҳамда маҳалларда юзга яқин ана шундай тадбирлар ташкил этилди. БПТлар фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида эса сиёсий ўқувлар ташкил этилаётгани фойдадан холи бўлмапти.

Аҳоли орасида партиянинг дастурий ғоясини тарғибот-ташвиқот қилишда маҳаллий босма ОАВлари, вилоят телерадиокомпанияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги, айниқса, яхши самара берапти. Партия фаолияти ва ҳаётига оид чоп этилаётган мақалалар, эфир орқали узатилаётган хабар ва лавҳалар орқали аҳолининг Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳаётий ҳолатлари, айниқса, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, инновацион лойиҳалари доирасида тарғиб этилаётган муқбол энергия манбаларини оммалаштиришга оид амалий ишларига бўлган қизиқиши ортиб бораётди.

Бироқ вилоят партия Кенгаши эришаётган ютуқларни қанчалик эътироф этмайлик, камчилиги ва нуқсонлардан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Дўстлик, Фориш, Янгиобод, Жиззах туманларида ўтказилган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларида ҳамон эскича усуллардан фойдаланилаётганлиги, мавзуларнинг бир хиллиги натижасида улар

нинг таъсирчанлиги ва самараси сезилмаяпти. Ушбу туманларда партиядан сайланган маҳаллий депутатларнинг ОАВда чиқишлари эса деярли кўзга ташланмайди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур туманларда аҳоли орасида партия дастурий ғояларини кенг тарғиб этиш ва партия сафарига янги аъзоларни қабул қилиш ишига салбий таъсир этмоқда.

Вилоятда аъзолар сонининг ўсиши ўтган тўққиз ой давомида деярли сезилмагани унинг юқорида номлари тилган олинган ҳудудий ташкилотларида «турғунлик» юзига келганидан далolat беради.

— Албатта, фаолиятимизда бу каби баъзи муаммолар ҳам учраб турибди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Ҳ.Шарипов. — Масалан, айрим туман партия ташкилотларимизда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Мазкур ҳудудларда куйи ташкилотлар билан мунтазам алоқа ўрнатилган, дея олмаймиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Қишлоқ хўжалиги:

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш эҳтиёжи

Давом. Боши 1-бетда

катта эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Айни пайтда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошира олишга қодир бўлган қудратли кучга айланиб бораётганининг эътирофидир.

Фармон фермер хўжалиқларини янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, аҳолими-

нинг катта қисми истиқомат қиладиган қишлоқда фермерлик ҳаракати бугун ижтимоий воқеликка айланиб улгурди. Табиийки, "Адолат" социал-демократик партияси халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг энг муҳим бўғини бўлган фермер хўжалиқлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Зеро, жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислох этиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришни фермерлик ҳаракатисиз тасаввур этиб ҳам бўлмайди.

"Адолат" СДП сайловолди дастурида қишлоқ хўжалиги соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда шундай дейилади: "Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва

аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳам партиянинг устувор вазифаларидан ҳисобланади".

Шубҳасиз, "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда белгиланган вазифалар, чора-тадбирлар фаолиятимизни янги сифат босқичига олиб чиқишимизга асос бўлади. Биз, "Адолат" СДП аъзолари, сайловолди дастурида алоҳида белгиланган йўналишга амал қилган ҳолда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилган бозор ислохотлари самарадорлиги ва қишлоқ меҳнатқилларини ижтимоий ҳимоя қилишда мувозанатни таъминлаш; қишлоқда деҳқонга ижтимоий-иқтисодий пакетдан имкон қадар фойдаланишни кафолатлайдиган (иш ҳақи даражаси, тиббий хизмат, таълим, меҳнат қилиш ва дам олиш учун зарур шарт-шароитлар) меҳнат муносабатларини янада кучайтириш; таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассисларга ғамхўрлик қилиш; қишлоқда замонавий шинам уй-жойларни барпо этиш каби дастурий вазифалар ижросини таъминлашдаги фаолиятимизни давом эттираверамиз.

Алишер АКРОМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Ҳаракатда — баракат

Давом. Боши 1-бетда

Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ихтиёрида 66 гектар экин ери бўлиб, унинг 26 гектари дон, 40 гектари эса пахта етиштирилади. Жорий деҳқончилик йилида хўжалигимиз аъзолари билан қилган меҳнатимиз ўз натижасини ҳар йилгидан ҳам кўпроқ кўрсатди. Ғалла майдонларидан 65 центнердан, пахта майдонларидан эса 50 центнердан ошириб ҳосил олишга эришдик.

Юқорида таъкидлаганимдек, яратилган имкониятлар

сабаб, салкам 100 тонна дон хўжалигимиз ихтиёрида қолдирилди. Бу маҳсулотни бозор нархида ҳисоблаганда 50-60 миллион сўмлик соф фойда, дегани. Қолаверса, етиштирилган пахта хомашёсининг 150 тоннаси ёки белгиланган шартнома режасидан 23 тонна ортиқ ҳосил юқори навларга сотилди. Бу кўрсаткичларимиз учун пахтани қайта ишлаш корхоналари томондан бериладиган қўшимча ҳақни ҳам қўшиб ҳисобласак, даромадимизнинг салмоқли бўлиши турган гап.

Қолаверса, Мустақиллик байрамнинг 21 йиллик бай-

рами арафасида Президентимизнинг фармонида кўра, «Шўхрат» медални билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим бу каби юксак даражада қадр топгани кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Келгусида маҳалладошларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида бир қатор хайрли ишларга бош бўлишни режалаштириб турибман.

Элмурод МАЛАЕВ,
Ромитан туманидаги «Саттор Султон» фермер хўжалиги раҳбари



Футболчилар ғалабаси — ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир

Эътироф

Истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Кучли ижтимоий сиёсат" тамойили ва шу асосда аҳолининг ижтимоий аҳволини ҳар томонлама яхшилаш борасида амалга оширилган дастурлар ва кенг қамровли ишлар ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, бундай кучли ижтимоий сиёсатдан ҳеч ким бебаҳра қолмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасидан ўрин олган "Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деган нормалар мамлакатимизда яшов-

чи ҳар бир инсоннинг тенг ва адолатли шароитларда умргузоронлик қилишига кафолатдир. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва унинг негизда алоҳида эътиборга олинган аҳолининг кам

таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган сазй-ҳаракатлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Буни, ҳар йили давлат бюджетидан аҳолининг ижтимоий муҳофазасига ажратилаётган маблағлар миқдорида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга Давлат бюджетидан 9 696,0 миллиард сўм ажратилганлиги фикримизнинг аққолдалили бўла олади. Бу кўрсаткич давлат бюджетининг қарийб 59,6 фоизини, яъни ички маҳсулотга нисбатан эса 13,9 фоизини ташкил этади. Давлат бюджетидан ногиронларнинг ижтимоий таъминоти масалаларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, 6 ойлик ҳаражатлар суммаси 39,4 млрд сўмни ташкил этган.

Бинобарин, бир томондан кучли ижтимоий ҳимоя, иккинчи томондан жисмоний тарбия соғломлаштириш борасидаги кенг қўламли шарт-шароитлар ҳар кимга ўз қобилиятини намойён этиш имкониятини яратиб бермоқда. Бундай эътибор ва эзгу ишлар самараси ўларок, жисмоний имконияти чекланган ҳаётларимизда ҳам жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаол иштирок этиш имконияти вужудга келмоқда. Очигини айтиш керак, айрим соғлом кишилар йўқлиб жараҳат олишдан йўқлиб футбол



Ушбу оқибатда

майдонига кирмаслигини ҳам яхши биламиз. Аммо орамизда Ватан шаъни, халқ обрўси учун ўз жонини ҳам аямайдиган инсонлар жуда кўп. Шундай инсонлар қаторида уч қарра жажон чемпиони — Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси вакилларини кўриш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мустақил Ўзбекистониимизнинг дастлабки қонунларидан бири сифатида ижтимоий ҳаётга кириб келган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимизда спортнинг барқарор ривожланишида ҳуқуқий пойдевор сифатида хизмат қилмоқда. Унга кўра, ҳар бир фуқаро жинсидан, ёшидан, миллатидан, динидан, мўлқли ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, жисмоний тарбия соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир кишига дахлдордир.

Мана шундай ҳуқуқ ва эркинликлардан, шарт-шароитлардан оқилона фойдалана олишган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси вакиллари 2007 йили Туркияда, 2010 йили Аргентинада футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлган эди. Ватандошларимиз бу сафар Россиянинг Калининград шаҳрида ўтказилган 2012 йилги жаҳон чемпионатида ҳам чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилишга, кетма-кет учинчи мартаба чемпионлик унвонини қўлга киритишди.

Ўзбек ўғлонлари эгаллаган нуфузли ўрин, қўлга киритилган олтин медаллар уларнинг кўксига ярашиб, бизнинг кўксимизни ғурур ва ифтихор ҳисси билан тўлдирди. Ғолиблар ғалабаси халқимиз шўҳратига шўҳрат қўшди. Айниқса, муҳтарам Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси мураббийси Мавзур-хўжа Умархўжаевнинг "Дўстлик" ордени, терма жамоа аъзолари Нуриддин Турсунов, Ҳакимжон Ҳасановларнинг "Жасорат" медаллари билан мукофотланганликлари жуда ҳам адолатли бўлди. Дарвоқе, жасорат ҳеч қачон унутилмайди. Зеро, футболчиларимизнинг ғалабаси — ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Автомобилдан сақланинг

Эҳтиёт — ярим ҳаёт

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари» ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг қўламда тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан ушбу йўналишда ҳар йили мунтазам равишда «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда», «Яшил чироқ», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Бу эса содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони сезиларли даражада пасайишига олиб келмоқда.

Сабабсиз воқеаник бўлмайди. Бу — ҳаёт қонунияти. Жорий йилнинг ўтган саккизи ойи мобайнида рўй берган турли йўл-транспорт ҳодисалари ва

улар оқибатида фуқароларнинг жабрланганлиги ҳолатлари бунга шохидлик беради. Ушбу ноҳус воқеаларнинг сабаби йўл ҳаракатидаги қоидабузарликлардир.

Жумладан, белгиланган тезликини ошириш, светофорнинг қизил ишорасига амал қилмаслик, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, транспорт воситаларининг техник носозлиги, болаларни безътибор қолдириш, йўлларнинг қатнов қисмидаги лоқайдлик, эътиборсизлик, ҳайдовчиларнинг хавфсизлик тасмаларидан фойдаланмасликлари, транспорт воситасини бошқа-

риш вақтида телефон ва мониторинглардан фойдаланиш ва бошқалар.

Йўлларимизда содир бўлаётган оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қоидабузарликлар сонини камайтириш мақсадида соҳада талайгина ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда 2011 йилнинг 27 апрелидан бошлаб расман кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Умуман олганда, ушбу Қонун билан Кодекснинг 28 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар, шундан 15 тасига тахиррий ўзгартиш, 5 та янги модда киритилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мажкур қонун билан 17 та модда йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жазима миқдорлари белгиланди.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорлари, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатлари оширилди, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қўйилди. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Агар таҳлилларга назар ташлайдиган


бўлсак, Қонун кучга кирганидан кейинги ўтган вақтда қоидабузарликлар сони сезиларли даражада камайди.

Хусусан, 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида республика-миз автомобиль йўлларида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2011 йилнинг шу даврга нисбатан 14,8 фоизга, ҳалок бўлганлар сони 12,3 фоизга, жараҳат олганлар сони 15,7 фоизга камайишига эришилди.

Ҳозирги кунда йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир маъмурий ҳужжатлар ҳамда улар юзасидан кўрилган чоралар бўйича маълумотлар базасини яратиш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилган бўлиб, республикаимизнинг бир қатор вилоятларида жорий этилган.

Дастур ҳудудда қайд этилган қоидабузарликлар, уларни содир этган ҳайдовчилар, қоидабузарликларнинг тақрир-ланиши, белгиланган чоралар ва ундирилган жазималар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш ва улар билан ишлаш имконини беради.

Ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истар-



дик. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландигиз. Йўлда бир сонияга кечкиш ёки шовиллаш ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Бас, шундай экан, барча пиёдалар, ҳайдовчилар,

йўловчилар ва айниқса, болалар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этишлари шарт ва зарур.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири

35000 дан

зиёд ҳолат аниқланди

2012 йил январь-сентябрь ойларида лицензиясиз автомобиль транспортда йўловчиларни ташиш ҳолатларини аниқлашга йўналтирилган 3229 та рейд ўтказилди. Натижада автотранспорт соҳиблари томонидан лицензия тўғрисидаги қонуннинг бузилиши бўйича 35148 та ҳолат аниқланган.


Рейдлар якунлари бўйича йиғилган материаллар чоралар кўриш учун тегишли солиқ органларига топширилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Суннатилла Сағатов маълум қилди.

Унинг қайд этишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг режа-жадвалига мувофиқ, 30 та хўжалик юритувчи субъектнинг автотранспорт фаолияти текширилди ва бу корхоналарда лицензия талаблари ва шартларини бузиш, жумладан, лицензиясиз автотранспорт фаолиятдан даромад олиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*Мамлакатимиз
фуқароларини муқорак
Қурбон ҳайити
байрами билан
салтаный табриклайди.*



*Шу қутлуғ айёнда Сизларга
сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,
оилавий хотиржамлик, тинчлик
ва омонлик тилаймиз.*





Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

Халқимизни
мўътабар айём —
Қурбон ҳайити
байрами билан
чин дилдан самимий
муборакбод этади.

Сиз, азиз
юртдошларимизга
бахт-саодат,
тинчлик-омонлик,
фаровонлик тилайди.

